

КҮЧМА КҮРГАЗМА АНГРЕНДА

Ангрэн шаҳридаги «Ангрэн» кинотеатрининг фое-сидида ташкил этилган кўча кўрғазма «Табиятнинг мухо-фаза қилиш ва табиат бойлик-ларидан унумли фойдаланиш» деб аталади.

Тошкент, Чирчиқ, Олма-лиқ, Фарғона, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида муваф-фақиятли намоёниш этилган мазкур кўрғазма ангрэнлик меҳнаткашларда ҳам аъ-зур қизиқиш уйғотмоқда.

Техника юксак тараққий этган ҳозирги кунда ҳаво-даги кислород тарқибини нормал ҳолда ушлаш, ин-сон соғлиғи учун зарур бўлган моддалардан атмо-сферани доим тозалаб туриш масаласи ҳар бир кишини қизиқтириши шубҳасиз. Кўрғазма фотосуратлари, диаграмма ҳамда экспонат-ларига назар ташлаб, 8-тан беш йилликда та-биатни муҳофаза этиш учун 362,4 миллион сўм ажра-тилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда сўм маблаг 407 миллион сўмга етди. Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосини ўрганишчи ва на-зорат қилувчи 48 та ста-ционар пункт ташкил этил-ган бўлиб, улар республика ми-ндаги 24 энг йirik са-ноат корхоналарида жой-лашган.

Кўрғазмада газ ва чанг тозалаш қўрилмалари иш-и устидан назорат қилувчи Тошкент Давлат инспек-цияларининг диққатга сазовор тадбирлари ҳам кенг ёри-тилган. Бу инспекциялар ҳо-зир Олмалиқ, Ангрэн, Оҳангарон, Бекобод ва бош-қа шаҳарлардаги саноат кор-хоналарини доимий назорат остига олганлар.

Қ. ЭРДОНОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«КҮЕШНИ СОҒИНИБ»
Собит Мадалиев шеърят мухлисларининг эътиборини қозонган шoirлардан. Унинг «Күеши соғиниб» деб ном-ланган китоби қуёшли ўлка-нинг фусункор табияти, аза-мат деҳқонлари, аҳд-вафолари ҳаётидан олинган. Шеърларни рус тилидан А. Шер, У. Азимов, М. Жалил, М. Аззам ва бошқалар тар-жиме қилганлар.

«НИЛЛАР НАФАСИ»

Филология фанлари док-тори, профессор Бердиали Имомовнинг ушбу китоби адабий-танқидий мақола-ларни ўз ичига олади. Китобни ўқир экансиз, Ўзбекистон йиллар ўзбек драматургияси-нинг таҳлили, хусусан инки-лоб куйчиси Қ. Х. Нисеий янги катта таассурот қол-диради. Уйғун, Р. Бобоқон, Ж. Жаабобовлар ижоди-га бағишланган бўлимлар ҳам илҳом билан ёзилган. Китоб-да улғур рус ёзувчиларининг асарлари таҳлилга ҳам кенг ўрин берилган.

«ТАФАККУР БОҚИИ»

Истеъдодли шoir О. Ха-кимовнинг ушбу китоби ав-валгиларидан саралаб олин-ган. Бугунги фаровон замо-намизнинг қадрига етиш, уруш оловини ёвувчиларга чексиз нафрат китобнинг эсосий мағзини ташкил эта-ди. Ҳар бир шеър ўқувчи-га маънавий озуқа беради.

Ушбу китоблар Ғафур Ғу-лом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида chop этил-ган.

ТЕАТРАЛЛАРИ

БУГУН

МТ-1. 9.00 — «Время». 9.40 Эртанг хузурида маҳмонда. «Финист» — сарпоҳчи. 11.20 — СССРнинг монументал санъа-ти. 11.50 — Концерт. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Хужжатли фильм. 15.50 — «Фридерик Шопен». 16.20 — А. Н. Островский пьесалари-нинг қаҳрамонлари. 1-курс-тув. 17.25 — «Мухбирларимиз

«Еш гвардия» театрида ёзув-чи Уткир Хошимовнинг шу номли пьесаси саҳнага қўйил-ди.

САҲНА асарларининг қий-мати томошабинларнинг ба-хоси билан ўлчанади. Шу жиҳатдан олиб қараганда ёзувчи Уткир Хошимовнинг «Еш гвардия» театри саҳнаси-да қўйилган янги спектакли муваффақиятли чиққан дейиш мумкин.

«Викондорис» деб ата-лган пьеса «Сендан уғина...» номи билан спектакль тари-қасида томошабинга тақдим этилди. Муаллиф характерлар, тилларни психологик тадқиқ қилиш орқали жамиятимизга ёт бўлган айрим иллатларни фойда этди, ана шу иллатлар-ни ашуулда келтирилган амаллараст, бойликка ҳирс қўйган характерларга соф виждонли, оқил характерлар-ни қийслади.

Ёзувчи ҳаётимизда учраб турадиган баъзи мавзалик-ларни очиб, уларга «экскур-сия» қилиш учун бир ажойиб «иктиро» яратган. Бу «иктиро» — виждондорис: битта таб-леткани ютган киши дарҳол мудроқ босиб, керишадир, бутунлай бошқа одамга айла-ниб қолади. Тили билан дили бир яхши инсонлар эса бу дорини ичгандан кейин «фой-да» бўлмайди. Буқаламун ми-сол — ташқи қийфасини минг турли ўзгаришлардан одамнинг ўша «гилфи» «си-дирлиб» тушадир, ҳақиқий башараси намоён бўлади. Викондориснинг ичгандан кейин эса гўё уйқуга кетган одамдай ҳеч кимни кўрмай-ди, ҳеч нарсани эшитмайди — фақат қалбиди, миёсиди нима бўлса, ўшани гапириб, ўзини ўзи фойда эттиради.

Бу фойда этишлар битта пишқиқ «қизил илға» тизилган. Қизил ил — қуде бўлиш во-

қеаси. Бир аёл дугонасининг қизига совчи бўлиб келади. Кўрманига минг сўйил «це-пел» келтиради. Тилидан бол томиб дугонасини, унинг қизини мактабди, икки гап-нинг бирда «айлаиб ўргила-ди, гиргиттон бўлади». Келин бўлиши Форуза савғилисига маслаҳат сураб қўнғироқ қила-ди. Фарҳод фармаёт — ассистент, виждондорисни ўша яратган. Форузаларинки: да чойга қўйилган виждондориснинг ичган совчи — сав-до ходими Дил Акбаровна мудраб керишадир, дилида-ги гапларни тўкиб солаверади. Шу чойдан бектиёр Форуза

«СЕНДАН УГИНА...»

нинг онаси — прокурор Адо-лат ҳам ичган эди. Шунинг учун икки дугона бир-бири-нинг гапларини эшитмай, бир-бирини кўрмай гапире бери-шад.

Дил Акбаровнанинг ички олами томошабинни нафрат-лантиради, айрим ўринларда ларзага солади, айрим ўрин-ларда аччиқ қулдиради. «Дунёнинг турган битгани» қўйиш олиш. Ававал ўзасан, кейин оласан. «Кизинг ўқи-тувчи бўладими. Ҳм! Уқитув-чининг бир ойда топадиганини Чорсида пирожка сотадиган бир кунда топади». «Менга қизинг эмас, қуде керак, тек ширувчилар келганда кутқа-диган қуде керак!» Булар Дил Акбаровнанинг ички ола-ми, ҳақиқий башараси... Бу ролни артист Ноила Тошкен-боева маромига етказиб, ни-ҳоятда ҳаётий ижро этган.

Муаллиф Адолат қийфасида

сидан кетиб, жамият тарақ-қиётига хизмат қилаётган олимлар билан бирга бу муқаддас даргоҳга фақат бойлик, сохта обрў орттириш ниятида нопок қадамни қўй-ган айрим «олим»ларнинг ҳақиқий башарасини ҳам очиб ташлайди.

Профессор яхши маънода ёнғок жиннини, фақат янги нав устида ишлайди. Унинг ўғлига қизини бермоқчи бў-либ келган узоқ йиллик со-биқ шогирди Фарҳоднинг шо-гирдликка олишини айтади. Профессор дейди: «Бўлмаган гап, Фарҳоддан олим чиқмай-ди».

Энди зинапояда ўтирган фан кандидати Берди Олди-евичнинг ички дунёсига бир назар ташланг: «Бу дунёнинг турган-битгани зинапоя: бир поғона чиқсан-да, ўзингдан

юқоридаги зинанинг оёғини айлосан. Кейин ёнғиға чикиб оласан. Лекин ўзингги сал пастроқ тутаварсан...». «Ўг-лингги қув қилармишман, ўг-лингги бошимга урамани, ўзинг керишсан, ўзинг эмас — ёрдамнинг керак. Ўн икки йил-дан бери сударлиб юришман, ёқломай. Мени доктор қила-сан, профессор қиласан!»

Қатор спектаклларда эсда қоладиган ролларни иж-ро этган артист Турдибек Содиков Берди Олдиевич ролини ҳам маҳорат билан ўй-наган.

Спектаклда кулғу харак-

Шу билан бирга спектакл-да нимадир етишмаётганде-кулолади. Бу «нимадир» — қамровнинг мактабдан торлиги бўлса керак. Бу — биз Уткир Хошимовнинг жуда бақувват, салмоқли асарларини ўқигани-миз, томоша қилганимиздан (масалан, «Инсон сарфати») бўлса керак. Викондорис-нинг қудрати кенг — унинг кучи билан қамровни янада кенгайтириш, янада йиритроқ иллатларни фойда этиш ва бу билан янада каттароқ проб-лемаларни ўртага ташлаш мумкин эди. Балки, бунинг учун ҳозирги чегарадан — мазкур театр имкониятлари-дан чиқиб, ҳажмини кенгай-тиришга, яна каттароқ қўла-ма чиқишга тўғри келар. Бу-лар — пьеса ҳақидаги истак-лар, холос...

Асар ярим фантастик, ярим сатирик комедия деб атала-ди. Томошабин виждондори-сидан бошқа фантастика уч-ратмайди. Ҳаммаси ҳаётий, замонавий гаплар. Шу жиҳат-дан у ҳаётий фантастика де-йилса жоиз бўлмасиди!!

Биз премьерани мамуният билан кутиб олган томошаби-лар номидан «Еш гвардия» театрини ҳам, соҳналаштирув-чи режиссёр Рустам Бобохо-нов ва муаллиф Уткир Хоши-мовни ҳам янги, қиройли саҳ-на асари билан табриклашни истардик.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

Суратларда: «Сендан уги-на...» спектаклидан кўриниш-лар.

Н. ХМАРА фотолари.



ЗИЁНИДАН ФОЙДАСИ КҮП

Каклик, қирғовул, беда-на ва капталларга қирон келтирувчи вахший қўшлар-ни кўрганимизда газабимиз қайнайди, уларни отиб таш-лагимиз, беозор парранда-ларни омон сақлаб қолги-миз келади. Лекин вахший қўшлар ҳам ҳўжалгимизга фойда келтиришини жаҳл устида унутамиз.

Мисол учун уқини олай-лик. У Забекистон ва жану-бий Қозғистонда учрайди. Бу қуш асосан қишлоқ хў-жалигига катта зарар келти-рувчи сувар ва қўшоқ би-лан оқилланади.

Битта сичқон ёз бўйи бир килограммдан ортинг буг-дойни йўқ қилади. Қомрон-қон эса 15—20 килограмм сифатли донни ер остига яширади. Бу зараркунда-лар эса — вахший қўшлар-нинг асосий оғиздир.

Сафарга чиққан бўлсан-гиз чўл осмонларида сокин

ва бир текис парвоз қилаёт-ган лочинларга қўзингиз ту-пиб қолади. У бироз айл-лаиб сўнг учини секинлата-ди, тезлик билан ўз ўлжа-сига қараб шўнғийди. Шун-дай қилиб, ҳар кун лочин



10 дан ортинг сичқонни ту-тиб ейд.

Вахший қўшлар онласига мансуб бўлган бугтарги ҳам зараркундаларнинг ашад-дий қушандасидир. У баҳор

ва ёз ойларининг ўзида мингта яқин да-ла сичқони қириб, бир тоннага яқин донни сақлаб қолади.

Шундай экан, қанотли дўстларимизни бугдой экил-ган майдонларга яқинлаш-тириш чораларини қўйиш-миз лозим. Бунинг учун бугдойзорларга балангли-ги 3—4 метри устунлар ўрнатиб, улар учига қўшлар қўниши учун махсус тахта-лар қўйишимиз лозим. Ҳар бир гектарда 3—4 та устун қиёфа. Улар ерларни шўл-рошдан олдиндан олиб қўй-лади.

Қанотли дўстларимиз-нинг бизга беминнат ёрда-мин яна бир бор таъкид-лаган ҳолда уларга озор етказмаслигимиз, асраб, муҳофаза қилиш ҳақида қайғуришимиз керак.

В. УРИҚКИЙ,
қишлоқ хўжалиги фанла-ри кандидати.

СПОРТ

САФАРДА ДУРАНГ
СССР терма командаси Европа чемпионатининг навбатдаги саралаш ўйини сафарда жаҳон чемпионатининг учинчи совринниги Польша футболчилари билан ўтказди. Совет футбол-чиларида икки ўйиндан ке-йин 4 очко, Польша фут-болчиларида эса 3 очко бор эди. Мезбонлар ҳужумга зўр бериб биринчи бўлимда ҳи-собни очдилар. Иккинчи бў-лим эса меҳмонларнинг бир-мунча устуллигида ўтди. Виктор Демьяненко чап қа-ротдан ҳужумга ўтиб штраф майдонида тўпни команда-дош дўстларига узатди. Ле-кин мезбонларнинг марка-зий ҳимоячиси оёғига тек-кан тўп йўналишини ўзгар-тириб дарвозага кирди. 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди. СССР терма командаси 5 очко билан гурӯшда пешқа-дамлик қилмоқда.

ТИНЧЛИК
ВЕЛОПОИГАСИ —
МАРРАДА

Уч республика йўла-ри бўйлаб 1900 километр масофада ўтказилган халқ-аро велопоиға нихонсига ет-ди. Шахсий ҳисобда ГДР спортчиси Фальк Боден би-ринчи бўлди. Совет спортчи-си Олег Чужда иккинчи ўринни олди. Команда ҳисо-бида эса ГДР вакиллари го-либ келдилар. Польша ко-мандаси иккинчи, Чехосло-вакия пойғачилари учинчи, СССР командаси тўртинчи ўринни олди.

УМИД ОХИРГИ
УЙИНДАН

Тошкентда СССР халқ-лари VIII спартакиадаси про-граммаси асосида теннис му-сobaлари давом этмоқда. Республикаимиз терма ко-мандаси Литва вакиллари-ни 11:0, Туркменистон спортчи-ларини 9:0 ҳисобида енгиш-гандан сўнг учинчи кун Озарбайжон вакиллари билан учрашдилар. Эрталабки яқка беллашувлардан сўнг спортчиларимиз 5:3 ҳисоби-да олдинга ўтиб олинди. Кечқурунги учта жуфтлик баҳсида вакиллариимиз битта ғалабага эришганлариди фи-налга чиқарилдилар. Лекин бу баҳс Озарбайжон командаси фойдасига 6:5 ҳисобида ту-гади. Командаимиз финал савказлинка кириш-кирма-лиги Москва вакиллари билан бўладиган охириги учра-шу натижасига боғлиқ бў-либ қолди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

**ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ**
ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ҚОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ҚОМИТЕТИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транс-порт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда — 325645, адабиёт ва санъат — 325767, фан, мадан-ият ва олий ўқув юртлари — 325553, совет қурилиши — 325645, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

РЕКЛАМА
Эълонлар
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
28 МАЙ СОАТ 16.00 ДА,
29 МАЙ СОАТ 13 ВА 16.00 ДА
Ўзбекистон ёш эстрада ижрочиларининг
КОНЦЕРТИ
Концертда Бутунитифок ва халқаро конкурслар лауреати, Ўзбекистон Ленин комсомолы муко-фотининг лауреати Мансур ТОШМАТОВ, Бутунитифок телевизион конкурси лауреати Малика АЛИМОВА ва Леонид МАКЕЕВлар қатнашадилар.
«САНЗАР» РОК ГРУППАСИ ВА ЕШЛАР ЦИРК КОЛЛЕКТИВИ ИШТИРОК ЭТАДИ.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.
КОНЦЕРТДАН ТУШГАН МАВЛАҒ ТИНЧЛИК ФОНДИГА БЕРИЛАДИ.
Украина ССР Харьков шаҳридаги
7-ЎРТА ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—84 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Умумий таълим мактабларининг 8 синф маълумотиға эга бўлганлар уч йиллик ўқишга бўёқчи (қурилишда) қопловчи-плитачи-нақшидор, гишт терувчи, пўлат ва темир-бетон конструкторлари монтажчиси, бетончи-ду-радгор, дурадгор (қурилишда), паркетчи, электрослесарь (қурилишда), геодезия-конляри планга оладиган ўлчовчи, электро-газ пайвандчи, сувоқчи, яқка материаллар ва турлили эпилмаларни ёзувчи.
10 синф маълумотиға эга бўлганлар бир йиллик ўқиш-га: гишт терувчи, пўлат ва темир бетон конструкторлари монтажчиси, бўёқчи (қурилишда), сувоқчи, дурадгор (қурилишда), паркетчи, қопловчи-плитачи-нақшидор. Ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.
Ўқувчилар ётоқхона ва кунига бепул уч маҳал иссиқ оғак билан таъминланадилар.
Билим юртига кириш учун у ерга бориб, қуйидаги ҳужжатлар топширилад: туғилганлик тўғрисида гувоҳно-ма, маълумоти тўғрисида ҳужжат, мактабдан характе-ристика, оиласи ҳақида турар жойидан справка, меди-цина справкиси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.
Билим юрти адреси: Харьков шаҳри, 142- алоқа бў-лими, Тимурчилар кўчаси, 37-уй (23, 24, 26, 28-трам-вайлар; 19, 20-троллейбуслар; 23, 29, 49-автобусларнинг «Блюер кўчаси» ёни «602-микрорайон» бекатлари. Те-лефон 66-81-25).